

Туркистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил, 27 май, Чоршанба. № 40 (144133)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш, республика ташқи иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни тақомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 апрелдаги Ф-840-сон Фармойишига мувофиқ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фаолиятини ўрғатиш чикдан Комиссиянинг ҳуқуқ ва тақлифлари эътиборга олинсин.

2. Белгиланган қўйилсинки, 1998/99 ўқув йилидан бош-

лаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига: талабалар қабул қилиш републикада олий ўқув юртлири учун белгиланган тартибда, тест синовларнинг рейтинг натижалари асосида амалга оширилади;

таълим йўналишлари бўйича қабул режаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг калдрларга бўлган реал эҳтиёжларини, университетда ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилиши учун шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Белгилан-

ган умумий қабул режасининг 50 фоизи давлат грантига, 50 фоизи шартнома асосида қабул қилинаётган талабаларга ажратилади; бошланғич курсга талабалар қабул қилиш ва ўқитиш тугатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини талабалар шартнома асосида қабул қилишда тўловларни бошқа давлатлар валютасида амалга ошириш ман этилади.

3. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтдаги Ёшлар иқидиёти маркази ҳаммша гавжум. Тўғарак раҳбари Н.Осинова С.Иброҳимова ҳамда З.Жаббороваларга миллий руҳдаги ҳайкалчалар ясашни ўргатмоқда.

Ҳарбийлар ҳаётидан МИЛЛИЙ ГВАРДИЯЧИЛАР ҚАСАМЁДИ

Куни-кеча Тошкентдаги "Жасорат боғи"да Миллий гвардиячиларимиз сафига баҳорги чақирув мавсумида қўшилган аскарларнинг тантанали равишида ҳарбий Қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Феруз Усмонов ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлонларни табриклади.

Аскарларнинг ота-оналари номидан

жиззахлик Саид Мустанов, андижонлик Манзураҳон Парпиева, бўлинима командирлари номидан офицер Мўмин Мамадалиев ва катта лейтенант Азизбек Холиқов сўзга чиқиб, ёшларни Ватанга намунали хизмат қилишга даъват этдилар. Янги аскарлар номидан сўзлаган оддий аскар Саид Азизов билдирилган ишончни шараф билан оқлаш учун ҳаммша виждонан хизмат қилажақларини билдирди.

ЭНГ ЗЎР ҲАМШИРА

Марказий Ҳарбий госпиталда "Йилнинг энг зўр ҳамшираси" курик-танлови бўлди. Танлов беш босқичдан иборат бўлиб, унда бўлинмалар ва бўлинмаларро ўзаро мусобақаларда голиб чиққан етти нафар ҳарбий ҳамширалар куч синнашди. Иштирокчилар қаттиқ жароҳатланган беморларга ёрдам кўрсатиш, қон кетишини

тўхтатиш, ўта хавфли юқумли инфекция тарқалганда ҳамширанинг ўзини тутиши каби машқларни бажаришди. Қизгин мусобақалардан сўнг травматология бўлими ҳамшираси, старшина Раъно Абдурахмонова мулоқ голиб деб топилди. Сержант Елена Ким ва катта сержант Илмира Жумановалар иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

АСКАР ҚЎШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб ўтказилётган "Ўзбекистон -- Ватаним маним" аскар қўшиқлари фестивали якунланди. Унга кўра, катта сержант Собир Имомалиев ва Миллий гвардия хори жамоаси ижро этган "Она эл маҳдияси" қўшиғи биринчи, кичик сержант Баҳриддин Шаропов ва Фаргона гар-

низони ҳарбий оркестри ижросидаги "Ўзбекистон -- менинг ватаним" қўшиғи иккинчи ҳамда Эркин Сотволдиев ва Чирчик олий ҳарбий техника билим юрти хорининг "Десантчилар марши" деб номланган қўшиқлар ижрочилари учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Фолиблар махсус мукофотлар билан тақдирланди.

ОИЛА МАВЗУИДА

Фаргона вилоятининг Бувайда туманида оила йилига бағишланган "Оила, экология ва саломатлик" мавзусида вилоят илмий-амалий конференцияси бўлди. Унда оила ва мактабда экологик таълим-тарбия маса-

лалари, болалар саломатлигини ҳимоялаш, оила бюджетини шакллантириш каби мавзуларда суҳбат ва мунозаралар бўлди.

Д.ВОҲИДОВА

«ЭВЕРЕСТ» АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз ватандош альпинист-спортчилар! Сизларнинг «дунё томи» деб ном олган - Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта мамнуният ва гурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратинингиз зўр ҳажон билан кузатиб турди ва галабангизни катта олқиш билан кўтиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда қўллаб мурақаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олға интилганлигингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу - юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунаси.

Ватанимиз довуғини дунёга таратган ушбу галабангиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб тўғфа бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган Байроғимиз бизнинг озолиқ ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳўлтираб турсин!

Барчангизни она-юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Ислом, КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Андижонда бўш иш жойлари ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоятдаги икки юзга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 1200 дан ортқ иш жойини тақлиф этди. Ярмарка шаҳар меҳнат биржаси ҳамда «Камолот» ёшлар жамғармаси шаҳар бўлимининг ташаббуси билан уюштирилди.

Олти юз нафардан ортқ, асосан аҳоли зич жойлашган вилоят марказида яшовчи ишсиз ёшлар ярмарка хизматидан фойдаланди. Шулардан 210 киши дарҳол ишга жойлаштирилди, ўнлаб киши касб ўрганиш курсларига юборилди, қолганлари эса, ўзлари яқин вақт ичида ишга кирмоқчи бўлган меҳнат жамоаларининг вақиллари билан келишиб олдилар.

Ярмаркада «Холмс» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси, 3-қурилиш бошқармаси, «Андижонвилотқурилиш» акциядорлик жамияти, юкларни турли мамлакатларга ташиб бериш билан шуғулланадиган автокорхона, «Ўз-Дон-Ян-Ко» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ кишини ишга тақлиф қилди.

Ярмарка пайтида шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сановат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари кўргазмаси ҳам ўтказилди.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА муҳбири.

МУЪЖАЗ ЖИҲОЗЛАР КЎРИГИ

26 май куни Ўзэкспомарказда "Халқ истеъмоли товарлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва муъжаз жиҳозлар" кўргазмаси ўз ишнини бошлади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги уюштирган ушбу кўргазма 30 майгача давом этади. Унда Германия, Италия, Швейцария, Россия, Исроил, Япония, Жанубий Корея каби давлатларнинг етакчи компания ва фирмалари ўз замонавий технологияларини намойиш этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг "Фотон", "Ўзэлектротех", "Алгоритм", "Технолог" каби корхоналари ҳам ўз жиҳозлари билан кўргазмада қатнашмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган қишлоқ хўжалиги ва сўғориш соҳасида минн техника, қурилиш ашёлари, электр жиҳозлари, гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар, ичимлик ва шарбат ишлаб чиқарувчи кичик заводлар ёш тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

НАРГИЗА

"ШАҲЗОДАЛАР" БЕЛПАШУВИ

Қашқадарёда "Камолот" ва "Амир Темур" жамғармаларининг вилоят бўлими ташаббуси билан "Темурий шаҳзодалар тимсоли" курик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган умумтаълим мактаблари ўртасидаги курик-танловда туман ва шаҳар босқичи голиблари иштирок этишди. Унда ёшлар Темур ва темурийлар ҳаётидан саҳна кўринишлари, баддий композициялар, жисмоний маҳорат машқлари, темурийлар тарихи бўйича билимларини намойиш қилдилар. Танлов натижасига кўра, Яқкабоғ туманидаги А.Авлоний номи мактаб ўқувчиси Ф.Нуримов биринчи, Қарши туманидаги Б.Орипов номи мактаб ўқувчиси О.Маҳмаданов иккинчи, Баҳористон тумани Ю.Ҳасанов номи мактаб ўқувчиси М.Азизов эса учинчи ўринни эгаллашди.

Фолиблар хомий ташкилотларининг махсус фахрий ёрлқ ва қимматбаҳо совринлари билан тақдирландилар.

Н.ЭГАМОВ

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистон Фанлар Академияси Кимё институтида мамлакатимиз учун устувор бўлган фанлардан бири - нефть кимёси бўйича дастлабки номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Институтнинг Иқтисодлашган кенгаши мажлисида икки ёш олим устозлар эътиборига нефть кимёсини ривожлантириш ва нефтни тўла қайта ишлаш масалаларига бағишланган илмий ишларини ҳавола этди.

"Камолот", "Маҳалла" хайрия жамғармалари маҳаллий телерадиокомпаниялар билан ҳамкорликда футбол бўйича "Камолот" кубоги турнирининг дастлабки босқичи бошланди. Унда Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманлар маҳаллаларининг 600 дан зиёд жамоалари иштирок этмоқда.

"Камолот" жамғармаси Чортоқ тумани бўлимининг жойлардаги жамоатчилик марказларида ёшлардан иборат гуруҳлар тузилди. Ҳозирги кунда улар қурилиш жабҳаларида, қишлоқ хўжалигида, долзарб ишлаб чиқариш жойларида фаолият кўрсатмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

АЛМАТИ. "Транс-Евроазия-98" халқаро кўргазмасида Осиё, Европа ва Америкада ишлаб чиқарилган энг янги транспорт воситалари намойиш этилди. Унда, шунингдек, Алматы -- Остона оралигида қатнайдиган махсус поезд ҳам қўйилган. Поезд давлат-телинни "Дженерал электрик" компаниясида тайёрланган бўлиб, у икки пойтахт оралигидаги қарийб минг чақирим масофани 18 соатда босиб ўтиш имконини беради.

ҚИРГИЗИСТОНда Собия совет усулидаги иқтисодиётни ислоҳ этишга биринчилардан бўлиб киришган бўлса-да, мамлакат сўнгги 6 йил ичида жиддий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. 1991-95 йилларда яқин ички маҳсулот ишлаб чиқариш икки баробар камайди. Ишсизлик кескин авж олди. Аммо сўнгги пайтда баъзи ижобий силжишлар бўлди. Ўтган йили иқтисодий ўсish 5 фоизни ташкил этди.

ВАШИНГТОН. Президент Клинтон Индонезия Президентини Суҳартонинг ўз лавозимидан воз кечини ҳақидаги қарорини маъқуллаб, бу мамлакатда ҳақиқий демократия жараёнилари бошланганидан дарақлир, деб баҳолади.

АҚШ Молия вазири Рубин янги 20 долларлик пулнинг тақдимот маросимида сўзга чиқиб, у мукамал ҳимоя қатламига эга эканлигини таъкидлади.

ИНДОНЕЗИЯ Вазирлар Маҳкамасининг биринчи йнгилиши мамлакатда катта сийсий ўзгаришлар рўй бераётганини аён қилди. Индонезия Адлия вазирлиги ноқонуний йўллар билан бойлик орттирган мамлакатнинг собиқ раҳбари Суҳартонинг иқтисодий фаолиятини, жумладан, у имзолаган тижорат шартномаларини текширишга киришилганлигини билдирди. Янги маҳкамма Суҳарто ва Индонезия ҳукуматидаги юқори лавозимларни эгаллаб келган унинг оила аъзолари томонидан ўйрилган мўмайгина пулларни мамлакат газнасига қайтариш ниятида. Маҳкаманинг биринчи йнгилишида, шунингдек, икки ҳафта олдин Жакартада бўлиб ўтган намойишларда талабаларга қарата ўқ узганликда айбланган 14 нафар ҳарбийлар суд жавобгарлигига тор-

тилиши маълум бўлди.

ПОКИСТОН маҳаллий авиакомпаниясига қарашли самолётлардан бирида учиб кетаётган 29 йўловчи уч нафар террорчилар томонидан гаровга олинди. 9 соат давомида олиб борилган музокаралар натижа бермаганидан сўнг мамлакат хавфсизлик кучлари Ҳайдаробод шаҳри аэропортига қўнган самолётга ҳужум уюштириб, гаровдагиларни озод қилди ва террорчиларни ҳибсга олди. Террорчилар Покистоннинг Белужистон вилояти талабалари уюшмасининг аъзолари эканлигига иқрор бўлдилар. Маълумки, Покистон ҳукумати Ҳиндистоннинг ядро қуроли синовига жавобан айна шу вилоятда жойлашган ҳарбий полигонда ўзининг ядро қуроли синовини ўтказиш ниятида. Ёшлар ташкилоти раҳбарлари эса мамлакат ҳукумати энг қолюқ ҳисобланган Покистоннинг Белужистон вилояти иқтисодиётини ривожлантириш ўрнига ядро дастурига катта маблағ ажратаётганиликда айблamoқда.

ГОНК-КОНГда мамлакат қонун ишлаб чиқарувчи тизимларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда рўйхатта олинган сайловчиларнинг ярмидан кўпи, яъни 1,5 миллионга яқин киши иштирок этди. Дастлабки маълумотларга кўра, қонун чиқарувчи органлардаги 20 та ўридан 14 тасини демократик

партия аъзолари эгаллаган. Депутатларнинг қолган 40 нафари Пекин туманидан тайинланганини куталади.

БУЮК БРИТАНИЯ қироличаси Елизавета иккинчи шу ҳафта ичида Ирландия республикаси ҳамда шимоллий Ирландияга таширф буюради. Ирландия 1921 йилда мустақилликка эришганидан бери бундай таширф биринчи бор амалга оширилади. Таширф давомида Елизавета иккинчи Ольстер тинчлик битимини қўллаб-қувватлашини билдиримоқчи. Маълумки, ўтган жумлада ўтказилган референдумда Ирландиянинг ҳар икки қисмида яшовчи аҳоли кўпчилик овоз билан ушбу битимни қўллаб-қувватлашини билдирган эди.

Америка Қўшма Штатларининг Федерал бошқармаси ходимлари Иллиной штатининг Даниел шаҳри черкови яқинида яқнабба куни содир бўлган портлаш тафсилотларини аниқламоқда. Портлаш оқибатида 33 киши жароҳатланган эди. Хабарларга кўра, портлашчи ускуна бино яқинида эмас, унинг ичида жойлаштирилган тақдирда қурбонлар сонин янада кўпроқ булиши мумкин эди.

"Туркистон", ЎзА ва хорижий матбуот хабарларидан



Демократия дарслари

Ўзбекистон замини ўз тарихи мобайнида ҳақонга улуг алломалару давлат арбоблари ҳамда инсоният тараққиётини ўн ва юз йиллар олдинга силжитган буюк даҳоларни етказиб берган. Асримизнинг сўнгги йилларида яна бир сиёсий арбоб -- Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов майдонга чиқди. Мамлакатимизда йўлбошимиз сай-ҳаракатлари билан Шарқу Фарнинг, Жанубу Шимолнинг етакчи мамлакатлари тўплаган тажрибаларни акс эттирувчи Осиеча демократия тамойиллари изчиллик билан амалга оширилди. Ёш давлатимизнинг тараққиёт сари дадил одимлари бутун дунё сиёсатчиларини қизиқтирмакда. Бу борада бир қатор таҳлил асарларнинг вужудга келиши бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса, сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев қаламига мансуб бўлган "Агар огоҳ сен..." китоби диққатга сазовордир.

Муаллиф ўз асариди мустақил Ўзбекистонда қарор топётган демократик тамойилларнинг асосий хусусиятларини Ислам Каримов сиёсий портрети орқали очиб беради. Китобада тараққиётнинг объектив тамойиллари халқнинг ўзи илгари сурган йўлбоши И.Каримов сай-ҳаракати замирида вужудга келганлиги, унинг фаолияти давлатимиз қўймасига алоҳида таъсир ўтказганлиги каби хусусиятлари тилга олинади.

САОДАТ ЙЎЛИ

Мустақилликнинг ўтган даврини ислохотларнинг дастлабки босқичлари дейиш мумкин. Бу босқичда ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар амалга оширилди, ҳокимият ва бошқарувнинг мулкка янги ҳуқуқий ва сиёсий институтлари шаклланди. Республикада сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжуд бўлиб турганлиги объектив ва субъектив омилларнинг шунчаки мос келиб қолганлиги натижасида эмас, балки бу аввал бошданок И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт стратегиясининг натижасидир.

Муаллиф китобнинг иккинчи бобида И.Каримовнинг янгилини йўлини аниқ таллаб олганлиги, жамиятни турли бўҳронлардан олиб чиқиш йўли-йўриklarини пухта ишлаб чиққанлигини қуйдаги тарзда кўрсатиб беради:

1. Мавжуд бошқарув қандай қилиб тоталитаризм ва маъмурий буйруқбозлик тизимдан ижтимоий-ҳўжалик организмнинг ҳаётий муҳим қон томирларига зарар етказмай ривожланган бозор иқтисодига эга жамиятга айланиши мумкин?
2. Давлат қурилишининг сиёсий мафкура бўғинларида қандай масалалар мавжуд?
3. Ниҳоят, бу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг қай жиҳатларини ҳисобга олиш лозим?

Асарда Президентнинг Ўзбек халқи олдига қўйилган масалаларни ҳал этишда маъсулиятни ўз зиммасига олиб аниқ фаолият кўрсатгани таҳлил этилган. Муаллиф юртимизда кеңаштар ислохотларнинг муваффақияти йўлбошимизнинг нечоғли тўғри йўлни танлаганини ва собитқадим иш юритганлигиди, деб кўрсатади.

Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл пул бирлиги амал

қилган сўнгги давлатлардан бири бўлганлиги тасодифий эмас. И.Каримовнинг тугган йўли тўғрисида Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳозирги кунда мамлакатимиз ичиди ва унинг ташқирисиди сиёсий барқарор ҳаётни белгилаб турибди. Муаллиф И.Каримовнинг бу соҳадаги ноёб фаолиятини очиб берар экан, унинг бу борадаги сай-ҳаракатларига тўхталади, яъни миллий валютанизмга эга бўлишда босқичма-босқич йўл тугганлигини алоҳида таъкидлайди. Натихада рублдан сўмкупонга сўнгга сўмга ўтиш жараёнида иқтисодий мувоzanатни сақлаб туриш, турли бўҳронлар ва пўртаналарнинг олдини олиш имконини берди.

Муаллиф ана шулардан келиб чиқиб, Президентнинг "Янги уй қурмай туриб, эскини бузмаслик керак" деган тамойилини ислохотларнинг бошида асосий шўр қилиб олганлиги тасодифий эмас дея эъзади. Юқоридаги тамойил асосида иш тутиш, босқичма-босқич, аста-секинлик билан бозор иқтисодиётига кириб бориш лозим. Демак, "биринчи гада бозорни ташкил этиш, иккинчидан эса аҳоли дунёқарашини, турмуш тарзини, маънавий ва маданий даражасини бозор иқтисодиётига мослаштириб бориш керак. Бу бир кунда ё бир йилда қилинадиган иш эмас. Бу узок муддатли ташкилий ва маърифий жараёндир. Бу масалага чуқурроқ кириб, кенг қамровли иш олиб боришни талаб қиладиган воқелик", деган назарий-фалсафий хулоса чиқаради муаллиф. Дарҳақиқат, И.Каримовнинг ишларида тараққиёт стратегиясининг асосий мазмуни ўз ифодасини топаган: Эски уй мисолида Ўзбекистоннинг истиқлол сари тугган йўли бошланган яқин ўтмиши назарда тутилади. Бу ишларнинг мақсади эса ўйламай-нетмай, эскини бузиб ташлаш, шунингдек, воқеаларни ҳар қандай жадаллаштириб юбориш муқаррар равишда беқарорликка олиб келиши, шўша-пиша қабул қилинган қарорлар ва маъсулиятни ҳис этмаган ҳолда "илгарилаб кетишлар" ҳалокатли эканлигига кишиларни ишонтиришдир. Бу борада муаллифнинг И.Каримов сиёсий фаолиятини ўрганиб, "табиий жараён билан ҳисоблашмаган, унинг ҳақиқий ҳолатини кузатиб бориб, ўз вақтида баҳолай билмаган ҳар қандай сиёсий раҳбар жиддий хатоларга йўл қўйиши ҳеч гап эмас... Жамиятда қарор топётган сиёсий, руҳий, маънавий вазиятни аниқ таҳлил этиб, аниқ хулосаларга келиш, шундан сўнггина чинакам ислохотларни бирин-кетин бошлаб юбориш давлат раҳбари учун фазилат ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан қараганда, Президент И.Каримовнинг ислохотчилик фаолияти таг заминли сиёсатдир", деган фалсафий хулосаси ўринлидир.

Асарда И.Каримов стратегиясидаги иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги тамойили миллий махсулот ишлаб чиқаришнинг ўсуви ва бу махсулотни сиёсий механизм таъминлаб турадиган жамият аъзолари орасида яна ҳам одил тақсимлаш зарурияти тўғрисида эътироф этилганлиги қайд қилинади. Бу ерда иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги тамойили кучли ижтимоий-сиёсий тамойил билан тўғри равишда қатибли кетади. Муаллиф Пре

зидент И.Каримовнинг ислохотлар ўтказишда ушбу тамойилнинг амалга ошишини реал ҳаётда содир бўлган воқеалар билан боғлаб кўрсатади. Н.Жўраев фикрича булар қуйдагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, фан, маданият ва санъатнинг бозор иқтисодиёти ўтиш шароитида давлат ҳомийлигида бўлиши ва Президентнинг шахсан ўзи санъат, фан ва маданият раванқини қўчайтириши, истиқлол моҳияти ва мазмунига ҳос гоғларни ривожлантириши зиммасига олиши ва давлат бюджетидан доимий равишда маблағ билан таъминлаши шахсан назорат қилиб туриши; И.Каримов томонидан бир неча юзлаб илмий тадқиқотчилар, ёш олимларнинг тажриба алмашувлари, талабаларни дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим олишлари системасини ишлаб чиқиши ва амалга ошира бошлаши;

Иккинчидан, маданият, адабиёт ва санъат аҳли, ижодкорлар, илмий ходимлар, журналистларга Президент томонидан доимий эътиборнинг мавжудлиги;

Учинчидан, И.Каримовнинг халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбиянинг жаҳон тажрибаси билан уйғунлашган ҳолда янги тизимини барпо этиш ташаббуси билан чиқиши;

Тўртинчидан, И.Каримов томонидан қариялар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни давлат сиёсати даражасига кўтарилиши;

Бешинчидан, жамиятимизнинг маданий-маънавий қиёфасини шакллантириш учун И.Каримовнинг оналар ва болалар соғлигини сақлаш, соғлом авлод тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришини самарали, замонавий йўлларини тоналгани ва энг асосийси, Президентнинг ана шуларни ҳал қилиш учун иқтисодиётни ижтимоий йўналтира олганлигидир, дейди муаллиф.

Мустақил Республикада ривожиди И.Каримов фаолияти ва умуман у юритаётган сиёсатнинг роли ва ўрнига баҳо бериш учун муаллиф йўлбошимизнинг Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдаги аҳамияти ҳусусида батафсил тўхталади.

Ислам Каримов тарихий тажриба ва замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда давлат қурилишига пойдевор қўйди. Муаллиф Президентнинг сиёсий портрети очиб беришда диалектик усулни қўллаб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, уларнинг дастлабки ютуқлари ва келгусидаги натижаларини белгилаб беришда асосий тенденция -- амалиёт ва стратегиянинг ўзига ҳослигида, дея таъкидлайди. Муаллифнинг ютуғи, давлатчилик соҳида амалга оширилаётган ислохотларнинг ташаббускори, унинг амалга оширувчиси ва ҳафолати Президентлик институти бўлганлигини моҳирона ёритиб берганлигидир. И.Каримов бошқарувининг айнан шу усулини танлашда қуйдаги жиҳатларга эътибор беради. Биринчидан, "азалдан Шарқда қанчалик демократияга кенг имконият яратиб берилмасан, кучли ҳокимият бўлган. Энг улуг ва адолатлиша давлат бошлигининг бир қўлида қилич, бошқасида маърифат бўлган. Қилич ҳамма вақт ҳам ишга солинмаган, у тинчлик, адолат ва ҳокимиятга хизмат қилган. Акс ҳолда, ҳар қандай ҳокимият анархияга айланади кетиши ҳеч гап эмас".

Иккинчидан, "бошқарувининг бу усулида Президент умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади".

Учинчидан, "Президент И.Каримов бошқарувчилик фаолиятидаги қатъийлик, қатъий интизом, юксак талабчилик ва оғир маъсулиятни чуқур ҳис этиш ифодасидир".

Тўртинчидан "Президент И.Каримов бошқарувчилик фаолиятида вақти-вақти билан босиб ўтган йўлига назар солиб, воқеа-ҳодисаларнинг бошини сергаллик билан кузатиб, ўз иш юритиш усулини тақомиллаштириб боради. Ҳеч қачон маълум бир фикрга абсолют ҳақиқат деб қарамайди, уни доимий равишда қўчайтириб, янгилаб беради".

Муаллифнинг юқориди хулосалари мағзини

чўқурроқ тушуниш учун қуйдагиларга эътибор берайлик.

Маълумки, тоталитар тузумдан Ўзбекистонга бошқа бир хусусият: ҳокимиятни шахслантириш ҳам мерос бўлиб қолган эди. Собик совет иттифоқи даврида Ўзбекистонда ҳокимиятни тақомиллаштириш ва тақсимлаш бўлмаган. Президент И.Каримов оммавий онгининг ижтимоий технологик структурасига чуқур илдиэ отган бу хил ҳокимият турини энгиб ўтиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. Шу билан бирга ўзбек ижтимоий аънасида индивид ва у яшаб турган жамият бир-бирига қарама-қарши қарамағлигини ҳам уқтиради.

Муаллиф И.Каримовнинг қонун устуворлигини таъминлашдаги ролин кўрсатиб, қуйдагиларни таъкидлайди:

Биринчидан, "мамлакатда қонун устуворлигига эришиш, бутун бошқарув тизимига қонун роли ва вазифасини кенгайтириш, қонунга бўйсуниб яшашни аҳоли турмуш тарзига айлантириш, энг демократик давлатнинг сифат кўриниши, фуқаролик жамиятининг беқиёс фазилатидир".

Иккинчидан, "Президент И.Каримов тасавуридаги кучли ҳокимият, энг аввало қонунлар ва бошқа актларнинг тўла ижро этишини таъминлаш".

Учинчидан, "бошқарув органини ўзи ҳам амалдаги қонунларга бўйсуниб, улар доирасида фаолият кўрсатиши демакдир".

Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсатида ажралиб, турадиган устун хусусиятлардан бири ислохотларнинг ўтказишда халқнинг ишончига таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Биз муаллифнинг И.Каримов фаолиятидаги ислохотлар стратегиясини таҳлил қилишга яқин эр эканмиэ, қуйдагиларни қайд қилиш имкониятига эгамиэ:

1. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданок бозор иқтисодиётига ва сиёсий бошқарувининг демократик тизимига асосланган миллий давлат ташкил қилиш асосий мақсад қилиб олинди.
2. Бошлангич босқичдаги ислохотлар стратегияси ўтиш даврининг объектив қийинчиликларини энгш зарурлигига асосланди. Бунинг натижасида қуйдагилар юз берди:
 - а) миллий ривожланиши режаллаштиришда давлатнинг етакчилик роли ошди;
 - б) қарорлар қабул қилишда бюрократик тартиботни ечиб, халқона усул чўқурлади;
 - в) давлат раҳбарлик қилаётган янгилаш жараёнида ижтимоий адолатчилик сиёсати пайдо бўлди;
 - г) сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимида кучли ижроия ҳокимияти ва қаттиқ қонуний қарорларнинг борлиги;
 - д) ислохотларнинг эволюцион йўли;
 - е) ислохотларнинг бошлангич босқичида ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларнинг устуворлиги;
3. Кўрилаётган тадбирларнинг натижаси ўларок, ривожлантиришнинг бутун жаҳаларида жамият барқарорлашди ва республиканинг бундан буюн муҳим ривожланиб бориши учун шарт-шароитлар яратилди.
4. Ташкил сиёсатда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик тизими ишга солинди.

Дарҳақиқат, муаллиф ўз асариди тилга олгандек, "мамлакатимизда И.Каримов амалга олираётган ислохотлар тўғрисида жаҳон сиёсий сахасидан ўз ўрнини эгаллаётимиз. Бундай йўлнинг бошида йўлбошимизнинг келажакка ишонч билан қараш, руҳан ва маъна тетиқлиги, гоғ асосли ва ҳаётий мушоадалари билан омманинг истиқлолга ишончини қўчайтира олаётганлигидир".

Шу жиҳатдан ҳам Нарзулла Жўраевнинг "Агар огоҳ сен..." китоби том маънода ноёб қўлланма ҳамда серкирра асарлар жумласига қиради.

Сайфиддин ЖўРАЕВ,
Сийсий фанлар доктори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Университет ректори вазири Ташқи ишлар вазири зиммасига юклансин.

Университетнинг ўзига ҳос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, 1998/99 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятда ўқиш муддати - 5 йил, магистратурда - 2 йил этиб белгилансин.

Университетга 1998/99 ўқув йилига қабул қилинган талабалар мавжуд бўлган шартномалар асосида 4 йиллик бакалаврият ўқув дастурлари бўйича таълим олишларини амалга оширсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Адлия вазири билан биргаликда университетнинг Уставини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ташқи ишлар вазири университетнинг профессор-ўқитувчилари таркибин мунтазам мустаҳкамлаб бориш, педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини таъминласин.

Давлат тест маркази /Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагоглари ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси/ билан биргаликда 1998 йил 1 июлга қадар университетнинг профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказсин.

6. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб кадрларга буюртма берувчи асосий ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазири тизимиди яқини малакали мутахассисларни университетнинг ўқитиш жараёнига жалб этиш амалиёти жорий этилсин ва ривожлантирилсин.

7. Университетда таълим йўналишлари бўйича чет тилларда кенг мавзуда маърузалар ўқиш ва махсус курсларни ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва ваколатхоналарининг малакали мутахассисларини таклиф этиш назарда тутилсин ва қўллаб-қувватлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазири мунтазам равишда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг моддий-техника базасини замонавий дареликлар ва ўқув адабиётлари, компьютерлаштирилган ўқув дастурлари ва бошқа техника воситалари билан мустаҳкамлашни бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг

1992 йил 24 октябрдаги 491-сон қарорининг 10-банди ва 7-бандининг университет раҳбариятига талабалар қабулини ташкил этиш, ўқув режаси ва дастурларини, шарт-шароитларни мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқини беришга оид қисми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги 526-сон, 1994 йил 2 мартдаги 111-сон, 1995 йил 31 майдаги 195-сон, 1995 йил 20 июндаги 231-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Ташқи ишлар вазири билан биргаликда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг молиявий таъминотида тегишли ўзгаришлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 22 май



Тошкент лак-бўёк корхонаси ишчиси А. Ҳақимов ўз касбига меҳр қўйган оловқалб йигит.

ИПАК ЙЎЛИ ДўСТЛИК РИШТАЛАРИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар ижодини ривожлантириш ва уларнинг асарларини тарғиб этишга қатта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залда очилган «Буюк ипак йўли дўстлик ришталари - Ўзбекистон ва Япония болаларининг ранго-ранг олами» мавзудаги кўргазмаси ҳам шундан далолатдир. У «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Республикамизнинг ижодкор ёшлари ўзлари чизган турфа расмлар билан Япониянинг Ногое шаҳрида ўтказилган кўргазмада иштирок этган эди. Энди эса шу шаҳардаги «Дунё болалари» хайрия жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ япониялик ёш расмрешлар асарлари пойтахтимизга олиб келинди. Кўргазмага уларнинг асарлари билан бир қаторда Бадий академия оталиққа олган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, республика болалар ижодиёти маркази ёш расмлари, академия тасарруфидаги бадий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари чизган расмлар ҳам қўйилди.

Шу кун болаларнинг асфалтга расм чизиш бўйича мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. Унда эллика яқин кичкинтой ўз маҳоратини намойиш этиди. Мусобақа якунига кўра Бадий Академия лицейи ўқувчиси Иномжон Мамажонов биринчи ўринни эгаллади. Ун ёшли Толик Филефта Япония «Дунё болалари» жамғармасининг махсус соврини топшириди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчиси Коучи Обата қатнашди.

Тест — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ҳадемай абитуриентлар ўзлари истаган билим даргоҳларига кириш учун ҳужжат топшира бошлайдилар. Хўш, бу йилги тест синаовлари қай йўсинда ўтади, қандай янгиликлар жорий этилади? Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Мухидинов билан ўтказган суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

-- Мухсин Мўминович, бу йилги тест синаовларини топширишда ўзгаришлар борми?

-- Мустақиллик боис эришган кўплай ютуқларимиз қаторига олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ёшларни тест синаовлари асосида қабул қилишга ўтганимизни ифтихор билан айтиш мумкин. Ҳозирда Давлат тест маркази ўзининг беш йиллигини нишонламоқда. Утган қисқа муддатда адолатли синаовга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ижобий ўзгаришларга эришилди. Тест усулининг ҳаётимизга тобора сингиб бораётганига бугун ҳеч ким шўба қилмас керак.

Агар ўтган йили 40 мингга яқин тест саволлари жамғармасидан вариантлар тузилган бўлса, бу йил саволлар доираси 60 мингга кенгайди. Улар асосан мактаб дарсликлариди ўқув дастурини тўлиқ қамраб олган. Ёшларимиз учун шунини алоҳида таъкидламоқчи эдимки, 1996 йил, 1997 йилги ва 1998 йилги "Ахборотнома"да чоп этилган тест саволлариди бу йил тўлиқ фойдаланилади.

Жорий йилги тест синаовлари технологиясига анча янгиликлар киритилди. Айтайлик, ўтган йили тажриба тариқасида киритилган янгиликлар бу йил тўлиқ жорий этилди. Масалан, кўп вариантли тест тизими янада тақомиллашди, вариантлар сонини кўпайди. Олтмиш минг тест саволдан фақатгина компьютер вариантларини тузади. Ундан ташқари абитуриентларни гуруҳларга тақсимлаш, аудиториядаги назорати ва раҳбарни белгилашни ҳам компьютер амалга оширади. Тест синаовлари ўтгаж, жавоб варақалари махсус оптик электрон қурilmalar орқали текширилади, ҳар бир абитуриентнинг муайян фан бўйича олган бали ҳисобланиб, компьютер принтердан автоматик равишда чиқариб турилади. Кўриб турибсизки, тест синаовлари натижалари умуман инсоннинг аралашувисиз аниқланади.

Ушбу тест технологияси жараёнида Давлат тест маркази бир неча гувоҳнома ва патентлар олган. Мазкур технология хорижий давлатларда ҳам қатта қўллаш уйғотмоқда.

-- Бир қарашда тест марказининг фаолияти фақатгина олий ўқув юртларига кириш арафасидида туолади...

-- Тест саволларини тузиш қилишни талаб этади. Бу маъсулиятни жараёнга энг билимдон ва моҳир педагоглар, олимлар, мутахассислар жалб қилинди. Февраль, март, май ойларида республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридаги мактабларда битирувчи синфларда бирламчи (репетици-

он) тест синаовларини ўтказдик. Ўтказилган синаов ёрдамида ёшларимизнинг билим савиясини, қобилиятини белгилаб олдик. Қолаверса улар ҳам ўзларининг имконият даражаларини билиб олишди, тест технологиясидан хабардор бўлишди. Бу йил марказимиз қошида бу йил синаовлари ўтказувчи билим даргоҳлари таркибига талайгина олий ўқув юртлари қўшилди. Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Ички ишлар вазириликлари тасарруфидида ўқув юртлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда жаҳон андозаларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда муҳим босқич ҳисобланган олий ўқув юртлари битирувчи курс талабаларининг билим даражасини аниқлаш мақсадида давлат имтиҳонларини профессионал тестлар асосида ўтказиш учун Республика тиббиёт ва педагогика олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда тестлар тузилди ва кўп вариантли тизимга туширилди.

Ундан ташқари халқ таълими ходимларини аттестациядан ўтказишда фаол қатнашдик. Ҳукуматимиз Қарори асосида Давлат тест маркази таркибиди кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси тузилди. Ҳозирда у ўз фаолиятини бошлаб юборган.

-- Тест синаовлари натижаларининг таҳлили ҳақида нима дея оласиз?

-- Марказимиз тестнинг адолатли танлов мезони экани эътироф этилган кўплай мактублар оламиз. Энди тест орқали ўтган йили талаба булганларни таҳлил қилсак, уларнинг аксарият қисмини юртимизнинг чекка туманлари, қишлоқ мактабларда таълим олган болалар ташкил этади. Олий ўқув юртларига кирган йилги ва қизларнинг 45 фоизи ишчи ва қишлоқ меҳнатқилар фарзандлари. 48 фоизи зиёлилар, яъни муҳандис, шифокор ва ўқитувчилар оиласидан, фақат 6,9 фоизгина ишбилармонларнинг болалариридир.

-- Шикоятлар қай йўсинда қўлиб чиқилади?

-- Кўпчилик абитуриентлар тест марказига қабулга келганлариди марказнинг фанлар бўйича экспертлари томонидан улар йўл қўйган хатолари тушунтирилади. Лекин шунини айтиш керакки, тест натижалари белгиланган тартибга бинван апелляция қилинмайди. Шу муносабат билан марказимиз талабаларини қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомага аниқлик киритишни таклиф этмоқда.

-- Дейлик қизингиз 8 ўғлингиз ўқишга киряпти. Уларга нима деб маслаҳат берган бўлар эдингиз?

-- Тестларни қуруқ, кўрқона ёдлаш билан иш қилмайди. Агар ҳар бир фаннинг моҳиятини чуқур англаб ўрганишса, фарзандларимиз албатта ўзлари орзу қилган билим даргоҳининг талабаси бўладилар. Бунга сира шўба йўқ.

-- Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Назолат УСМОНОВА, "Туркистон" муҳбири

Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур

Шу кунларда республикамизнинг барча илм даргоҳларида дарслар тугаб, имтиҳонлар, сессия мавсуми бошланаётир.

фатидаги илк ишим бў... Энди сизнинг диплом ҳимояси ўрнида имтиҳон топирига рухсат беришганда хурсанд бўлармидингиз деган саволинигизга жавоб берадиган бўлсам...

ДИПЛОМ

Айниқса, олий ўқув юрталари битирувчилари ҳаяжонли кунларни бошдан кечирмоқдалар. Улар айни кезде давлат имтиҳонларини топириши билан бирга диплом ҳимояси ҳам кириша-птилар.

Шахсан менинг фикримча, "диплом ёзиш"ни ихтиёрий қилиб қўйиш керак. Бу гапни мен ҳимоя иши деб Тошкентда ойлаб чиқиб юрадиган вилоятлик сиртки бўлим талабаларини назарда тутиб айтганман...

Биз билан бу масала хусусида ТошДУ талабала-

эди... Тўғри, мен "Сув мавозанатини ўрганиш" мавзусидаги диплом ишнинг ёзишнинг давомида унга оид билимларим янада кенгайди, кўп нарсани билдим... Лекин агар ҳимоя иши ўрнига ўз мутахассислигим бўйича имтиҳон топиридан бўлганимда мен бошқа мавзуларга ҳам янада чуқурроқ ёндашган бўлардим...

Жуманазар

КЎНГЛИНГИЗНИ КАШФ ЭТДИМ

Бинокорлик ҳам аслида бир санъат, дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдулазиз ҲОТАМОВ. -- Бу ишга доим ижодкорлик билан ёндашиш лозим. Бизда тахсил олаётган талабаларнинг ҳар бирига ана шу туйғуни синдиришга ҳаракат қилишимиз.

ДАПИП ВА РАҚАМЛАР

Ўқув юрти 1943 йилда ташкил этилган. Дастлаб у "Тоғ техникуми" деб аталган ва 1960 йилда Тошкент қурилиш техникуми номи билан 1992 йилдан бошлаб эса коллежга айланган. Ўтган вақт ичида билим даргоҳи республикага 35 мингдан зиёд малакали мутахассислар етиштириб берди.

БЎТУН: Коллежнинг кундузги ва сиртки

чўпқора уй бор,- дейди у. -- Шофирконлик кексаларнинг айтишича, бу унинг қурилганига 118 йил бўлган экан. Қўрсангиз ажойиб, мўъжаз тоқчалари, қўша-қўша ойнаванд таҳмонлари бор. Вассажуфтлари шунчалар чиройлики, кўзни узолмайсан, киши. Агар қишлоғимизда худди шунчақ уйлар яна қуриلسа борми, мебеллар пули ёнга қолади-да!

Мусурмон САИДАЗИМОВ бино ва иншоотлар қурилиши бўлимида етакчи. Бу йилнинг фикрича, қурилган биноларнинг сифати унинг қай даражада мустақамлиги билан боғлиқ. Масалан, девори қўшинч ёки яккасинч қилиб қурилган уйлар ҳатто 9 балли зилзилага бардошлидир. Бетон пойдевор устига қурилган, пастки қисми захламайдиغان паҳса уйлар ҳам ўта пишиқ бўлади. Хом гишти уйлар 7 балли зилзиладаёқ ёрилиб кетади. Гувала девори уйлар эса ниҳоятда чидамсиз. Бундай уйларни қуришни тўхтатиш зарур...

Ашуралӣ ХАСАНОВ иқтисод ва режалаштириш гуруҳида ўқийди. Дунёқарши анча кенг. Фикрларида дангаллик бор. Спортнинг ҳамма турларига иштиёқи баланд. Узаро гурунглари ёқтиради. Айниқса, қизлар ҳақида бўлса...

Ашуралӣ, қизларнинг биринчи бўлиб севги изҳор қилишига нима дейсиз? -- Севгиси ҳақида ўзи сўз очган қизга ҳеч қачон уйланимаган бўлардим! -- Севган қизингиз борми, ўзи? -- Ҳа, бор. -- Унга байрамларда нима совға қиласиз? -- Яхши сўз...

Баҳром ИРИСКУЛОВ (бино ва иншоотлар гуруҳидан) сўхбатни давом эттиради: -- Опа, қизларимиз ўзларига бунчаам оро беришадими? Тирноқларини узун ўстирган, сочларини қип-қизил рангга бўйиб, ҳамма томони очиқ қўйлак кийиб олганларни кўрсам тутақиб кетаман-да.

Хўш, қанақа қизларни кўрсангиз қувонасиз? -- Сочлари тим қора, узун бўлса...

Ийитларнинг орзу-уйлари бир олам. Саъий-ҳаракатларим шунга яраша. Улар коллежда олган билимларини амалиётда қўллашадигани, чиройли ва бежирим биноларнинг жажжи макетларини яратиш, устозларидан мактов эшитганлари ҳақида бирма-бир гапирга кетишим.

ҚИЗЛАР-ЧИ?

Барно ХУММАМАТОВА -- услубчи. Агар сиз ундан "Дунёдаги энг гўзал нарса нима?" деб сўрасангиз, "Гуллар" деб жавоб бериши аниқ. Бу қиз 60 турдан ортиқ гуллар номини, феллини, қай шароитда бараж ўсишини хатосиз айта олади. Устозлари гоҳ "Барнонинг ортидан баҳор эргашиб юради" дейишади.

Коллежимизга хорижий меҳмонлар ҳам тез-тез келиб туришади,- дейди у. -- Яқинда бир гуруҳ италиялик мутахассислар келиб кетишди. Биз билан қизгин фикрлашдилар. Миллий Дастуримиз ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун моҳиятидан савол-жавоб бўлди. Сўнг амалий ишларимизни бирма-бир кўриб баҳо беришди. Хуллас, таассуротларга бой бўлди-да ўша кун...

Мўтабар РАХИМОВА -- бўлғуси ҳисобчи. Ўта қизиқувчан. Доимо шiori: "Ҳар кун ва ҳар соатда нимадир ўрганиш!" Чет тилларда эркин гаплаша олишни оруз қилади. "Бу учун бизда ҳамма имкониятлар етарли,- дейди у. -- Ўқишни битказганимизча замонавий билимлар

билан бирга хорижий тилларни ҳам ўрганиб оламиз!"

Дилдора МИРЗАЕВА бино ва иншоотлар гуруҳида таҳсил олаётти. "Коллежда биз қизлар озчиликми,- дейди Дилдора. -- Кўпчилик "Қурувчилик қизларга хос касб эмас" деб уйлашади. Менимча, бу унчалик тўғри эмас. Киши ўзи севмаган касбда ўрта-миёна бўлиб ишлагандан кўра, ўзи ёқтирган касбни танлаб, катта ишларга қўл ургани афзал!"

Дилдорахон, оилада эрнинг топиб келганини тўғри сарфлаб, бадастрав рўзгор юритиш аёлининг уддаборлигига боғлиқ. Мана сиз, ҳадемай оила қурасиз. Бу борада қандай йўл тутган бўлардингиз?

Бу кун маошининг ўзи билан кун кечириб қийинроқ. Ҳунармандлик ҳам керак. Мен дўппи тикишни биламан. Умуман, бизнинг Марғилонда бу ҳунарни билмаслик қизлар учун айб саналади. Ойла қурсам, дўппи тикиб рўзгорта барака қиритаман.

Муборак АБДУҒАНИЕВА ҳисобчилик гуруҳидан. Уятчанг. Камгап. Жуда ширинсўз. "Гузаллиги тилидан билинур" деган ҳикмат шу қизга қарата айтилгандек.

Муборак, бўш вақтларингизда нима билан машғул бўласиз?

Шеърлар ўқийман. Қўшиқ эшитаман. Айниқса, лапарларни тингласам, бувижонимни эслаб соғинаман. Саксонга яқинлашган у, юздан ошиқ айтим қўшиқларни билади. Мен ва синглимга ҳамма лапарлар киргойи қилиб беради. "Ҳеч қачон одоб четгарасини бузмамлар" дея насихат қилади.

Ўқиган шеърларингиздан бирортаси ёдингизда қолганми?

Ҳа, Фафур Гуломнинг шеърятидан ҳайратланаман. Ўқисам, руҳан тетик тортаман. Айниқса, мана бу сатрлари менга ёқади:

Шухрат қолдирмоққа Геростратдек, Диана маъбудини ёқмоқ шарт эмас. Кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб, Шу улдуз бинога бир гишт қўйсақ, бас!

МУАММО ВА ТАҚИФЛАР

Бизга янги дарслик керак,- дейди коллеж директори Асид САНАЕВ. -- Амадаги дарсликларнинг кўпи рус тилида чоп этилган. Эндилкида уларни ўзбекчага ўғришга мажбур бўляпмиз. Меъморчилик ва бинокорликнинг ҳақиқий шарқона услубларини чуқур таҳлил этувчи дарсликлар деярли яратилмаган...

Президентимиз ўз нутқларидан бирида "Эски қолдила, мустабил даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан туриб, болаларни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз" деган эдилар. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва ислоҳ қилишда аввало дарсликлар яратиш зарурлиги Миллий Дастурда ҳам белгилаб берилган. Балки бу ишга республикадаги таниқли бинокорларни, узоқ йиллик меҳнат тажрибасига эса бўлган меъморларни ёқд шу соҳада филолийлик курсатаётган олимларни жалб этиш керакдир!?

Эзгуликнинг йўллари ёруғ. Эзгулик шўъласи тутташган кўнглиларда мўъжизалар яратмоққа иштиёқ уйғонади. Бу мўъжизалар балки шу бугуноқ яратилар. Балки эртага... Мухими, бундай кунлар яқин. Мен талабаларнинг кўнглиларидан, кўзларидан ана шундай фикрларни ўқиб олдим.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Компьютер сирларини ўзлаштирадик, марра бизники!

ҲИМОЯНГИЗ

ри ҳам ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

Гофур ЭШОНҚУЛОВ, физика факультети 5-курс толиби:

Мабодо диплом ҳимояси ўрнига имтиҳон топиришга рухсат беришган тақдирда ҳам мен барибир ҳимояни танлаган бўлардим. Чунки, масалан, мен "Оптик шишаларда лазер нури ёрдамида юзга келган қўшимча юзга иш ва фотонангизланишни тадқиқот этиш" мавзуда ёзаётган ишини таёрлаш учун бир неча ой давомида кўплаб қўлланма, дарсликларни кўриб чиқдим, тажрибали мутахассис-домла-лардан қимматли маслаҳатлар олдим. Ҳафта-лаб лабораторияларда жид-дил иш ушулландим. Булар менга жуда кўп нарса берди. Агар мен бу мавзунини ҳимоя иши сифатида олмаганимда, у ҳақидаги тасаввурим, билимларим ҳозирги-дай кенг бўлмайдими... Қолаверса, талабалик онлари билан хайрлашиб, амалиёт-га йўлланма олаётган бити-рувчи мутахассис учун диплом ҳимояси илк жиддий илмий иши, ёш олим сифатидаги излашларнинг даст-лабки самарасидир...

Турамурад ХУҶАМКУЛОВ, география факультети, гидрология бўлими, 5-курс толиби:

Шахсан менга қолса, ойлаб фақат битта мавзу усти-да излаиб юргандан кўра ўз мутахассислиги бўйича имтиҳон топиришган мазкўл

ҚАЧОН?

ОТАЖОНОВ, физика факультети 5-курс толиби:

Айтишларича, фақат оилавий шароити кўтармаган, даволашаётган, саломатлиги дуруст бўлмаганларга ҳимоя ўрнига имтиҳон топиришга рухсат бериларкан. Албатта, бу маъқул иш. Мен гарчи аспирантурада қолиш ниятида бўлмасам-да, диплом ҳимояси қилишни астойдил ёқлайман. Ахир, олий даргоҳда беш-олти йил ўқиган талаба эртага бир-бир ташкилот ёки корхонага етук кадр сифатида ишга боради. Диплом ҳимояси иши эса унинг учун илк илмий тадқиқотдир. Бу унинг қай савиядаги мутахассис бўлиб етишганини ҳам намойиш этади...

"Туркистон" мухбири Хусан СУВОНОВ сўхбатлашди

бўлимларида 13 та мутахассислик бўйича 1550 талаба илм олади. Муҳандис, сантехника, геодезия, метеморчилик, иқтисод, тижорат, электротехника, темир-бетон қурилмаси, қурувчилик бўлимларини аъло баҳога битирганлар махсус диплом билан биргаликда олий ўқув юрталарига йўлланма ҳам олишади. Ўқув даргоҳининг компьютер хоналари, замонавий спорт зали, барча қўлайликларга эга бўлган 500 ўринли ётоқхонаси бор.

Нақшкор минорлар, нафис ганч безаклари ила куббаланган кошоналаримиз бугун юз бир рангга товланиб, қадим Шарқнинг меъморчилик ва қурилиш санъатини бутун дунёга кўз-кўзлаб тургандек, гўё. Аслида узоқ тарихга эга бўлган бу иморатларнинг ҳар гиштида инсон юрагининг меҳри, инсон қўлларининг тафти мужассам. Талабалар таҳсил олиш жараёнида аждола-римиз силсиласига назар ташлаб, ибратли жиҳатларни ўқув режаларига киритишмоқда.

РИГИПЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Сухроб ГУЛБОЕВ, иқтисод ва режалаштириш гуруҳи талабаси. Мулоҳазали, лекин сал тортинчоқ. Ҳар бир ишда тартиб бўлса, дейди. Ўзи ҳам шунга амал қилади.

Шерзод БОБОЕВ эса меъморчилик гуруҳида таҳсил олади. Серҳаяжон, серлифтот. Доим ташвишли хаёллар оғушида юради: "Нима учун бинокорликда ҳанузгача шарқона услублар кенг жорий этилмапти? Шаҳардаги турар-жойларни қуришда ўзбек-кона турмуш тарзи нега ҳисобга олинмайди? Нима учун қишлоққа замонавийликни олиб кириолмаймиз?"

Қишлоғимизда катта бобом қурган

Шу кунларда республикамизнинг барча мактабларида қизгин ва ҳаяжонли дамлар ҳукмронлик қилмоқда. Олдинда давлат имтиҳонлари. Айниқса, мактаб остана-сидан парвоз қилувчи ўқувчиларнинг чеҳраларида ўзгача мафтункорлик, шунингдек, маъзуллик. Уларни бир томондан ўн бир йил тахсил олган "олтин бешик" остана-сидан парвоз қилиш азоби қийнаётган бўлса, иккинчи томондан мустақил ҳаётга тетапоё қадим ташлаш шукҳи қувонтираётир. Юзларида табассум. Ким бўлсам экан, қайси касбнинг этагидан тутганим маъқул, -- деган саволлар бир сонин ҳам уларнинг онини тарк этиб қолганлиги, шубҳасиздир. Бироқ бирор касбга чин дилдан илос қўйган ўқувчиларда бу ҳаёл оғушида су-зиш алақачон бошланган бўлиши керак.

Биз битирувчи синф ўқувчи-биларнинг орзу уйларини уларнинг Ватан, юрт, келажак ҳақидаги фикр-зикрлари билан ўртоқлашши мақсадида пойтахтимиздаги 144-ўрта мактаб битирувчиларига мурожаат қилдик.

Ватан туйғуси нима? Шохидя ШОУМАРОВА: Мен ҳар доим Ватан туйғусини ич-ичимдан ҳис қилганимда ўз ҳаётимда янги мазмун кашф қиламан. Вужудимда ажиб бир энтиқиш, гурур туйғулари жўш уради. Бу туйғу сирли, улғуворки, агар таъбир жоиз бўлса, уни инсон куч-қуввати ва борлиги деб атаган бўлар эдим.

Дилмурад МУСАХОНОВ: Мен Ватан сўзини тилга олганимда, бу туйғуни барча нарсалардан устун қўйган бобокалонларимизнинг ҳаётлари ёдимга га тўшади. Ахир юртимизнинг қанча-қанчалаб буюк зотлари Ватан дея, унинг озодлиги ва равнақи дея қурбон бўлмадиларми? Шундай бўлгач, биз ёш авлод ҳам буюк аждодаларимиз каби Ватанни сева олишимиз, уни кўз қорачиғидек асрашимиз, бу туйғунини қалбимизга жо қилишимиз керак.

Нодира ШИРОВА: Ватанни беҳиж онага қиёс-лашмайди. Она дунёда энг меҳрибон зот, шу билан

ди. Шу ўринда Ватан туйғуси нима, деган саволинигизга ҳам жавоб бериб, уни маънавий тушуначаси билан уйғунлаштиришга ижозат берсангиз. Чунки маънавийнинг энг муҳим шарти Ватанини севиш, унинг олди-да бурчилик эканлигини тегаран ҳис қилишдир.

Нодира ШИРОВА: Фикримча, маънавий -- бу миллат кўрки, шаънидир. Негаки, қайси бир миллат ўз қадриятини, расм-русуми, урф-одатини аъналарини, шунингдек, тилини асрамас экан, у маънавий илдиғизга болта урган бўлади. Шунинг учун ҳам маънавий деганда миллий бутунлигини тушунаман.

Келажакдаги орзуларингиз, ким бўлмоқчисизлар? Дилмурад МУСАХОНОВ: Бугун олий ўқув юртига кириш иштиёқимда юрган абуриетир, эртага талаба бўлгач, хорж давлатларида таҳсил олгисига келади. Уни тамомлағач аспирантурага ўқишга кириш тараддуидида кезади. Хуллас, орзу вақти-соати билан инсон қалбида қайта-қайта тугиладиған жараён ҳисобланади. Менин биринчи орузим -- Ватан олдидаги ўз йиғитлик бурчимни адо этиш, сўнгра ҳуқуқшунослик институтида ўқиб адвокат бўлишим.

Рўбобат АЗИМ сўхбатлашди

Наргиза ЭЛТОЕВА: Ёшлигимдан журналист бўлишни севардим. Ойнаи ҳақон орқали берилаётган курсатувларни иштиёқ билан томоша қилиб, журналистларнинг ҳар бир қишқиларига ҳавасим келарди. Бугун ана шу ҳавас том маънода орзуга айланди. Орзуларим армон бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қиляпман.


Мактаб ўқувчилари даврасида бўлиб ўтган сўхбатимиз чоғида бугунги ёшларнинг дунёқарашлари тамонила бошқача эканлигига амин бўлдик. Сўхбатимиз асно-сида баъзи бир ўқувчилар ўрта мактабни тамом-лагач, шахсий фирма очиб бўлишларини, бизнес соҳаси билан шуғулланишларини айтишди. Айрим ёшлар эса ҳанузгача бирор касб эта-гини туттиш тўғрисида ўйлаб кўрмаганлиқларини гапирдилар. Илгач чанқоқ йиғит-қизлар эса олий ўқув юрталарига кириб, бирор касб эгаси бўлишлари ҳақида баён айладилар.

Эҳ мактаб, мактаб... Сенинг бағрини ниҳоят иссиқ, Сен тарбия маскани, ҳаёт дорилфунунисан. Ана шу билим ўчоғида яхши "қайнаган" ўқувчи-гина ҳаётда ўз йўлини топиб кетади. Биз ўқувчи ёшларнинг орзулари рўёбга чиқишида омадлар тилаб хайрлашдик.

ИБРАТЛИ ЮМУШЛАР

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида экологик ҳолатни яхшилаш борасида мактаб ўқувчиларининг ҳис-саси катта бўлмоқда. Айниқса, 261-экологик мактабда олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Билим масканида "Қамолот", "Маҳалла" жамғармалари ҳамкорлигида "Экология хоналари" жорий қилинган. Улар маҳаллаларда яшовчи оила-лар ҳамкорлигида терак, мевали дарахт, гул қўчатлари етиштирмоқда. Мазкур ўқув йилида тумандаги 24-мактаб, 100-маҳсус мактаб-интернат, "Булок" спорт мактаби 1500 тул терак қўчати билан бе-пул таъминланди. Мактабнинг экологияни ўрганиш бўйича амалий ишларини оммалаштириш, иш тажрибасини кенг ёйиш мақсадида бу ерда "Оила-экология-саломатлик" мав-зуида анжуман ўтказилди. Унда туман халқ таълими бўлими, маҳалла кўмитала-рининг раислари, тумандаги барча экология-биология ўқитувчилари ҳамда ёш та-биатсеварлар иштирок этишди.

Музайямхон ОДИЛОВА, С.Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ходими.



"Туркистон"га обуна давом этмоқда

Мен расмом Темур Саъдулла мўйқаламига мансуб жуда кўп суратларни кўрганман. Музейларда, кўрғазмаларда...

Ва очиги, ҳар сафар ҳайратга тушганман. Йўқ, бу кутилмаган ёхуд нодир асар қаршидаги ҳайрат эмас эди. Қолаверса, Темур аканинг ўзи инсон ва ижодкор сифатида бунақа қиёсалар баҳоларга ҳам кўпда қизиқармайди. Аслида, бу нарса унинг табиатида йўқ, Шунинг учун бўлса керак, ҳамма вақтнинг самимий ва хокисор... Назаримда, у бундай фазилатларни устози, машҳур мусаввир Чингиз Аҳмаровдан олгандек туюлади.

Мен юқорида расмом чизган расмларни кўриб "ҳайратга тушганман" дедим. Энди бундай ўйлаб қарасам, бу ҳайратнинг боиси — мусаввирнинг широна табиати ўз асарларига кўчганини, ҳар бир расми, ҳар бир тортган чизи...

Унда асарларидан бири, "Чулпон" наشريдада чоп этилган "Индра Ганди" китобига чизлар расмлари ва безаклари эса халқаро аҳамият касб этди ва ана шу изланишнинг натижаси ўлароқ меҳмон сифатида Покистонга таклиф қилинди. Бу саёҳат эса унга битмас-туганмас илҳом бағишлади, янгидан-янги ижодий парвозларга чорлади.

Темур ака ҳаётда шепър ёганми-йўқми билмадим, лекин ҳар бир асаридида "шопирона оҳанг", "шопирона мушоҳада" сезилиб туради, агар таъбир жоиз бўлса, ҳар бир сурати "шепър"га ўхшаб кетади. Менимча, бунинг сабаби, Темур ака ўз устози Чингиз Аҳмаровдан нафақат гўзал инсоний фазилатларни, балки Шарқ тарихи ва маданиятига, адабиёти ва санъатига "муҳаббат"ни ҳам "юқтиргани"да бўлса керак?

Энг диққатга сазовор томони шундаки, у мумтоз шепърлигини яхши билади, уни теран ҳис қилади, уша ўлмас дoston ва газалларга, ҳар бир байт ва мисрага ранг ва кўт бағишлайди, уларнинг маъно ва мазмунини янада ёрқинроқ акс эттириш, қалам ва бўёқлар воситасида уларнинг "рангларга йўғрилган сурати"ни томошабин кўз олдига гавдалантириш дарди билан ишайди. Бунга мисоллар жуда кўп. Лоақал, Алишер На-

воийнинг "Хамса" асарига ишлаган бешта йирик полотносини эсланг! Мусаввирнинг таъсирли санъатда яратган бу "Бешлиги" унинг ижодиди янги бир саҳифа очгани, унинг катта, энг салмоқли асарларидан бири бўлиб қолгани сир эмас.

"Буюк сиймолар ва алломалар" туркумидаги Навоий, Бобур, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Соҳибқирон Амир Темур, шунингдек, "профессор Ҳамид Сулаймон портретлари" сингари асарлар маъзур портрет жанрининг энг сара намуналари сафидан муносиб ўрин олди.

Таъсирли санъат мухлислари Утган йиллар давомида Темур ака китоб безаш санъатида эришган қатор ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлдилар. Ҳатто, унинг ана шу жанр...

тиш мумкин. Яна бир ўзига хос хусусияти улардаги ранглардан ҳар бирининг ўз мусиқаси бор. Бири шодон, бири ўйчан, бири маънос "рангли-мусиқа"лар...

Билишимча, Темур аканинг ўзи ҳам рубобни яхши чертади, бинойидек хиргойи ҳам қилади. Энди билсам, бу ҳам бежиз эмас экан. Қолаверса, агар кузатган бўлсангиз, Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган мумтоз ашулар орасида ҳам ақсарият ҳолларида Темур Саъдулла томонидан Навоийнинг "Хамса"сига ишланган бешта полотноси тез-тез кўрсатиб турилади. Бу ҳам бежиз эмас экан. Назаримда, ана шулар...

МУСАВВИРГА АЙЛАНГАН ШОПР...

Унда асарларидан бири, "Чулпон" наشريдада чоп этилган "Индра Ганди" китобига чизлар расмлари ва безаклари эса халқаро аҳамият касб этди ва ана шу изланишнинг натижаси ўлароқ меҳмон сифатида Покистонга таклиф қилинди. Бу саёҳат эса унга битмас-туганмас илҳом бағишлади, янгидан-янги ижодий парвозларга чорлади.

Темур Саъдулла кейинги йиллар мобайнида 200 га яқин китобларга безаклар чизди, қатор деворий суратлар ишлади. Хабарингиз бўлса керак, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг "Халқ оғзаки ижоди" бўлимида мусаввирнинг "Алломиш ва Барчин", "Барчиннинг тўртта шарт" сингари тўртта маҳобатли деворий сурати сақланган. Яқинда эшитсам, Темур ака "Алломиш" достонининг 1000 йиллиги муносабати билан ўша туркуми давом эттираётган экан.

Ушбу мақола ёзилаётган кунларнинг бирида у киши бош расмом бўлиб ишлаган Абдулло Қолирий номли Халқ мероси наشريга кирди. Темур аканинг эшиги очилди. Секун мурадалим. Расмом усти катта-кичик расмларга, турфа бўёқларга учи найзадек ўткир қилиб очилган қаламларга, ҳар-хил мўйқалам-лару чизгиларга тўла столи ёнида янги чизаётган расмга тикилганча халғга чўмиб турарди...

Бир кўнглим, шартга кириб борим ҳам келдик, уни ишдан чалғитим келмади. Ҳатто, уни шу тобора қандай расм устида ишлаганини ҳам кўргим, билгим келди. Лекин журъат этолмадим...

Секун изимга қайтдим. **Эркин УСМОНОВ**

Ўзбекистон Балий академияси марказий кўрғазмалар залида «Ешлар намойиш этади» деб номланган республика кўрғазмаси очилди. Унда қирқдан ортиқ ёш ижодкорнинг уч юзга яқин асари намойиш...

ЕШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Этилмоқда. Кўрғазмада таъсирли санъатнинг турли йўналишлари - хайкалтарошлик, кулодчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик каби халқ амали санъати асарлари билан бир қаторда дизайн бўюмлари, янги мода либосларига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўрғазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманганлик ижодкорлар билан бирга республика рассомлик коллежи, Камолдин Беход номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчилари ҳам иштирок этмоқда.

Мазкур тадбир ташкилотчилардан бири республика «Таъсирли ойна» ижодий уюшмаси бўлиб, кўрғазмада иштирок этаётган ёшларнинг она Ватанини, истиқболимиз ва халқимиз бунёдкорлигини мадҳ этувчи асарлари Ўзбекистон Балий академияси...

Б.МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

Муассис: **ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 Буюртма Г. — 010 «Шарқ» нашриёт-матбаа кўнцерни босмахонаси Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ТУГАДИ

«ЮНУСОБОД» СПОРТ МАЖМУИДА ЭРКИН ВА ЮНОНЧА-РИМЧА КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» УЧУН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР НИХОСИГА ЕТДИ

Унда 14 давлатдан 184 нафар полвон иштирок этди. Дастлабки икки кун давомида қаттиқ рақобатга дош бериб, олий мукофот учун курашиш ҳуқуқини кўлга киритганлар мусобақанинг якунловчи босқичида ўзаро беллашдилар.

— Ҳозирги мусобақа иштирокчиларини мен олдин фақат телевизорда кўрган эдим, - деб эътироф этади 130 килограммлик вазн тоифасида юнонча-римча кураш голиби, Ўзбекистонлик Шермуҳаммад Қўзиёв. - Бундай йирик мусобақа мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётганидан бахтиёрман. Бу турнирнинг Катта олтин кубоги жаҳон спорти усталари учун улкан мукофотдир.


Қирғизистонлик полвон Раатбек Санатбоев ҳам ўз вазн тоифасида голиб бўлди. — Утган йили фақат эркин кураш бўйича мусобақа ўтказилган, юнонча-римча кураш билан шуғулланганим сабабли унда иштирок эта олмаган эдим, дейди у. — Бу йилги мусобақатга келиб, утган йили турнир қандай аяқланганини, мамлакатининг Президенти ва ҳукуматининг спорт тўғрисида қилаётган гамҳўрлигини яхши билиб олдим. Ҳақиқатан ҳам, «Юнусобод» спорт мажмуи каби спорт иншоотлари билан ривожланган камдан-кам мамлакатларгина мақтана олади.

Мусобақа очилишига бағишланган тантанали маросимда республикангиз Бош вазирининг ўринбосари, мусобақа ташкилот қўмитаси раиси Алишер Азизўжаев келгуси йилда Тошкентда эркин ва юнонча-римча кураш бўйича Осиё чемпионати ўтказилишини маълум қилди. Унда дунёдаги энг кучли полвонлар иштирок этади, деб ўйлайман.

Ўзбекистонлик полвонлар Дилшод Орипов, Алҳам Очилов, Сағит Катиновов ва Георгий Кайсимов, қозғистонлик Мизитор Манукян, грузиялик Хвича Бичинашвили билан Элдор Курталидзе, россиялик Магомед Азизов, Таймуроз Урусов ва Гени адий Лалиев, белорусиялик Владимир Копитов ва Анатолий Федоренко ҳамда эронлик Муҳаммадали Ганжабий ҳам эркин ва грекча-римча кураш бўйича мусобақа голиби бўлди.

Норасмий команда биринчилигида бешта олтин, олтига кумуш ва еттига бронза медални кўлга киритган Ўзбекистон команди голиб бўлди.

— Полвонлик аъёнлари билан машҳур



Мусобақанинг ҳаяжонли дамлари

XXI асрни эркин ва юнонча-римча кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилаётган давлат сифатида кутиб олишига бўлган ишончимни мустақлақ маросимда Габриэли мукофотлаш маъносида Грузиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Гиви Абдулешвили ва Эроннинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Муҳсин Покойин иштирок этди

ЎЗА/

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Самарқандда республика олий ўқув юрғлари талабаларининг «Универсиада-98» спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Шу муносабат билан шаҳардаги йирик спорт майдонлари, теннис кортлари тўрт кун давомида энг кучли, чаққон ёшлар ихтиёрига бериб қўйилди. Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ва...

дижонликларга тенг келадигани топилмади.

Спорт ўйинларининг умумий якунига кўра Наманган вилояти ёшлари биринчи ўринни эгаллади. Самарқанд вилояти иккинчи, андижонликлар учинчи ўринга сазовор бўлди.

Х.ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири

ШАРҚ

Унда ёш модельерлар Насиба Аҳмедованинг «Шарқ мафтун этди», Лола Темированинг «Шарқ жозибаси», Нитора Ниёзованинг «Баҳор тароналари», Дило-рас Абдуллаеванинг «Ҳаммаси «ҳали олдинда» деб номланган либослар туркуми яна иштирок этган таниқли мўйқалам соҳиблари, санъатшунос олимлар ҳамкорлигида «Энг азиз, энг улғу» республика кўрик-танловига тавсия этилган.

Кўрғазма очилишида иштирок этган таниқли мўйқалам соҳиблари, санъатшунос олимлар билан ҳамкорлигида «Энг азиз, энг улғу» республика кўрик-танловига тавсия этилган.

Кўрғазма очилишида иштирок этган таниқли мўйқалам соҳиблари, санъатшунос олимлар билан ҳамкорлигида «Энг азиз, энг улғу» республика кўрик-танловига тавсия этилган.

ЖОЗИҒАСИ

Малоҳат Ҳайдарова, муаллима: — Либослар фестивалида томошабинларга кўз-кўз этилаётган кийимларнинг айрим намуналари хусусида менинг бироз эътирозим бор эди. Базми либослар миллий аъёнларимиз, кадрларимиз ва умуман халқимизнинг гўзал ва покломон урф-одатларига унчалик ҳам мос кел-

лаб-яшнагандагина раваққа топади. Ҳар ҳолда йигирма биринчи аср бўсағасидаги либослар намойиши ҳам бундан мустасно эмас.

НОЗИМА

Баҳор ойлари ҳам ниҳояланиб, ҳар соат, ҳар кун бизнинг ҳаёлимизни Франция томонларга етакламоқда. Айни кунларда 32 бахтли мамлакат футболчилари жаҳон чемпионати тадориги билан андармон бўлса, кун кеча мамлакат миллий чемпионатининг олий лигасида иштирок этаётган жамоалар навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар.

БАҲСЛАР

Шубҳасиз, 11-турнинг марказий ўйини Фарғонада бўлиб ўтди. Маҳаллий «Нефтчи» ўзининг азалий рақиби бўлган жалол Қосимов икки бор киритган бўлса, пойтахтликларнинг ёши ва истеъдодли хужумчиси Андрей Аюкянс хет-трикка эришди. Жавоб тўларини мезонлардан Вали Келдиев, Рустам Дўрмонов, Бахти-

бал). Бу кўрсаткич 11-турнинг «рекорди» бўлди.

«Навбахор»ни қабул қилди. Мазкур жамоалар ўртасидаги баҳслар ҳар қачон қизиқарили ва кескин баҳсларга бой, мухлислар

КЕСКИН

«Металлург» эса бу сафар «Бухоро» шаҳрида маҳаллий Бухорога қарши тўп сурди ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Қўқонликлар эса борган сари ўйин савияларини ошириб бормоқдалар. «Темирўлчи» ўз устида VII миллий чемпионат «кашфиёт»ларидан бири «Зарафшон» жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб навбат-

тили билан айтганда, «гирт европача» ўйин бўлади. «Қўшни»лар бу сафар ҳам эски одатини қанда қилишмади. Учрашунинг 4-дақиқасида мезонлар сардори Сергей Лебедев 11 метрилик жарима тўпидан ҳисобни очди. Сал ўтмай, меҳмонлар ўйинчиси Павлоченко аяқийи жавоб қайтариб вазиятни тенглаштирди. Шундан кейин икки томоннинг ҳаракатлари ҳам бекор кетиб, ҳисоб ўзгармай танаффусга чиқдилар.

Иккинчи бўлимда меҳмонлардан юз ўтирган омад икки бор мезонларга кулди. 69-дақиқада Нейматилла Қўтибоев жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса, учрашув тугаётган маҳалда яна Лебедев «Навбахор» дарвозабонини доғда қолдириб, орани «очик» қилди. Энди майдон четигадаги тапларга, яъни ўйиндан ташқари ҳолатга ўтадиган бўлсак, айнан шу учрашувдаги ўйинчи ва ҳакамларнинг кўпол хатолари мухлисларнинг кўнглини ранжитди. Шу ўринда нақд 10 нафар футболчига ҳакам Ноил Лутфуллиннинг қўли «сарик» карточка билан кўтарилган бўлса, бир сарфаргиси «қизил» эди. Ҳакамларнинг ҳаракатида ҳам айрим хатolikлар ўтганини қайд этиш лозим. Лунда қилиб айтсак, Ноил Лутфуллин бошлик ҳакамлар бригадасининг мазкур учрашувдаги ҳаракатлари адолатли инспектор Тихонов томонидан 7 балдан баҳоланди (юқориси-9

Бўлди

даги уч очкога эга бўлди. Аудасайдерлар чизигини доимий азбосига айлиниб қолган чемпионимиз МХСК пойтахтнинг «Трактор» жамоаси майдонда меҳмон бўлиб, 6 та тўпа атиги битта жавоб қайтара олди, холос. Утган турда «Сурхон» майдонида 5:0 ҳисобида мағлубиятга учраган «Тракторчи» ларнинг «паст-баланд» ўйини бошланган кўринади...

«Андижон» жамоаси Наманганнинг аудасайдерлар чизигидаги вакили «Косонсой»ни қабул қилди. Бироқ бу учрашувда ҳисоб очилмади. Пойтахт вилоятининг «Дустлик» жамоаси Қаршининг «Насаф» жамоаси билан худди шундай келишига мажбур бўлди. 11-турда ўйинҳоқларда 67 минг томошабин йиғилди.

А.РАИМОВ «Туркистон» мухбири

МАЙЖИМИЗ

70000 Тошкент, Мавлойтилар кўчаси, 32-йи
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланши мумкин.

Дизайн устаси: **М. ТОШЕВА**